

# ЯХУДОНИНГ МАКТУБИ

## Кириш

Мазкур мактуб муаллифи Исо Масихнинг ва Ёқубнинг укаси Яхудодир. Ёқуб Қуддусдаги жамоатнинг етакчиси эди. Бу мактуб мазмун жиҳатидан Бутруснинг иккинчи мактубига ўхшаш бўлиб, мақсади — масиҳийларнинг орасига кириб олган сохта устозларни фош қилишдан иборат. Бу сохта устозлар Худонинг инояти ҳақидаги хабарни бузиб ўргатишарди, гуноҳ қилишга ҳаққимиз бор, дея фақат нафсини қондириб яшашарди.

Мактуб қайси шаҳардаги масиҳийлар жамоатига ёзилгани аниқ эмас. Аммо маъноси очиқ-ойдин ифода қилинган бўлиб, масиҳийларни сохта устозлардан ҳазар қилишга, уларнинг таълимотига қарши чиқишига ундаиди. Бундан ташқари, имонда ўсиб-улгайишга, одамларга меҳр-оқибатли ва раҳмдил бўлишга чақиради.

Яхудонинг мактуби жуда қисқа бўлгани учун бобларга бўлинмаган.

## 1-БОБ

### Дуойи салом

<sup>1</sup> Исо Масихнинг қули ва Ёқубнинг укаси мен — Яхудодан\*, Худонинг халқи бўлишга даъват қилинган биродарларга салом! Отамиз Худо сизларни Исо Масих келишига қадар<sup>\*</sup> Ўз меҳр-муҳаббати паноҳида омон сақлайди\*. <sup>2</sup> Худо сизларга чексиз марҳамат, тинчлик ва меҳр-оқибат ато қилсин.

### Сохта устозлардан эҳтиёт бўлинглар

<sup>3</sup> Азизларим, ҳаммамиз биргалиқда баҳра олаётган нажотимиз ҳақида мен сизларга ёзишни жуда хоҳлаган эдим. Аммо бунинг ўрнига сизларни: “Имонимизни ҳимоя қиласлиқ”, деб унданмоқчиман. Ахир, Худо бу ўзгармас имонни азиз халқига то абад топширган. <sup>4</sup> Гап шундаки, баъзи бетавфиқ одамлар орангизга ўғринча кириб олибдилар. Улар ўз ахлоқсизлигини оқлаш учун Худойимизнинг инояти ҳақидаги хабарни бузиб ўргатяптилар. Ягона Хўжайнимиз<sup>\*</sup> ва Раббимиз Исо Масихни рад этяптилар. Ўша бетавфиқларнинг жазоси азалданоқ ёзилгандир\*.

### Сохта устозларнинг жазоси

<sup>5</sup> Бундай одамларнинг қисмати нима бўлишини ўзларингиз яхши биласизлар. Буларни сизларга яна бир бор эслатмоқчиман: Эгамиз Ўз халқи Исройлни Мисрдаги қулликдан қутқарганди. Кейинроқ эса ишонмаган одамларни ҳалок қилган эди\*. <sup>6</sup> Шунингдек, ўз мавқеига яраша иш тутмай, маконини ташлаб кетган фаришталарни<sup>\*</sup> ҳам Эгамиз қоронғи зимиstonга абадий занжирбанд қилганди. Уларни буюк қиёмат кунигача ўша ерда сақлаб турибди. <sup>7</sup> Ўша фаришталар сингари, Садўм ва Ғамўра шаҳарлари<sup>\*</sup> аҳолиси, шунингдек, булар атрофидаги барча шаҳарлар аҳолиси ҳам нотабиий бузуқ эҳтиросларга ва шаҳвоний ҳирсга берилган эдилар. Оқибатда эса абадий ўтда куйиб, ўз жазосини олганлар. Уларнинг қисмати ҳаммага сабоқ бўлди.

<sup>8</sup> Шунга қарамай, орамизга кириб олган бетавфиқлар ўз ваҳийларига таяниб, баданларини ҳаром этяптилар. Худонинг ҳокимиятини рад этиб, самовий

мавжудотларни ҳақорат қиляптилар\*. <sup>9</sup> Эсингизда бўлса, бош фаришта Микойил иблис билан Мусонинг жасади борасида баҳслашганди\*. Аммо Микойил шунда ҳам иблисни ҳақоратлаб, ҳукм қилишга журъат этмади, у Худонинг ҳокимиятини эъзозлаган ҳолда, фақат: “Эгамнинг Ўзи сени ҳукм қилсин”, — деб айтган эди, холос. <sup>10</sup> Ўша бетавфиқлар эса Худонинг қонунини тушумайдилар, тушунмаганлари учун ҳам ўша қонунни менсимайдилар. Улар ўзларини онгсиз ҳайвонлардай тутиб, эҳтиросларга берилиб яшашдан бошқа ҳеч нарсани билмайдилар. Бунинг натижасида ҳалокатга йўлиқадилар.

<sup>11</sup> Бу сохта устозларнинг ҳолига вой! Ахир, улар Қобилнинг\* изидан боряптилар. Пулга берилиб, бошқаларни Баломга\* ўхшаб йўлдан уряптилар. Кўрах\* сингари исён кўтариб, ҳалокатга юз тутяптилар.

<sup>12</sup> Бу одамлар жамоатингизни ҳам ҳалокатга йўлиқтирадилар\*. Улар фақат ўзини боқадиган чўпонларга ўхшайди. Сизлар таом ейиш учун бирга йиғилганингизда, Раббимиз Исони хотирлаш учун нон синдирганингизда, улар уялмай, очқўзлик билан қоринларини тўйдирадилар. Улар шамол ҳайдаган ёмғирсиз булатларга ўхшайдилар, мавсумида мева бермайдиган дараҳтлар кабидирлар. Бу устозлар қўпориб ташланган дараҳтлардай ўлиқдирлар. <sup>13</sup> Улар денгизнинг ваҳший тўлқинлари каби жўш уради\*, шармандали ишларини ифлос кўпиқдай юзага чиқариб, атрофга сочади. Улар тайёрлаб қўйилган қоп–қоронғи зулматга адашган юлдузлардай\* абадий ғарқ бўлишади.

<sup>14</sup> Одам Атодан бошлаб, еттинчи\* авлодда яшаган Ханўх\* бу одамлар ҳақида шундай башорат қилган\*:

“Раббимиз минг–минглаб муқаддас малаклари билан келади.

<sup>15</sup> У жамики одамзодни ҳукм қиласди.

Гуноҳга ботган бетавфиқларни маҳкум этади,  
Ярамас қилмишлари учун,  
Уни ҳақоратлаганлари учун  
Бетавфиқларни жазолайди.”

<sup>16</sup> Орамизга кириб олган бу бетавфиқлар, қачон қараманг, минғирлаб нолиб юрадилар. Улар фақат ўз нафсини ўйлаб иш тутадилар, мақтанадилар, ўз манфаатини кўзлаб, тилёғламалик қиласидилар.

### Худога содиқ қолинглар

<sup>17</sup> Сизлар эса, эй азизларим, Раббимиз Исо Масиҳнинг ҳаворийлари айтган башоратларни\* эсингизда тутинглар. <sup>18</sup> Ахир, улар сизларни қўйидагича огоҳлантиришган: “Охирги замонда шундай одамлар бўладики, улар фақат ўз нафсини қондириш билан овора бўлишади, ҳақиқатга итоат қилувчиларни мазах қилишади.” <sup>19</sup> Муқаддас Руҳга эга бўлмаган бу бетавфиқ устозлар инсон табиатига қул бўлиб яшайдилар, орангизга низо уруфини сочадилар.

<sup>20</sup> Сизлар эса, эй азизларим, қутлуғ имонингизга таяниб ҳаёт кечиринглар. Муқаддас Руҳ илҳоми билан ибодат қилинглар. <sup>21</sup> Худонинг севгиси паноҳида бўлиб, ўзингизни асранглар. Раббимиз Исо Масиҳнинг келишини кутинглар. У келиб, ўз марҳамати туфайли бизга абадий ҳаёт ато қиласди. <sup>22</sup> Иккиланувчи биродарларингизга раҳмдил бўлиб\*, <sup>23</sup> уларни қутқаринглар. Ана шунда сизлар бундай одамларни қиёмат алансасидан чиқариб олгандай бўласизлар. Ўз билганидан қайтмаганларга эса ачининглар\*. Бироқ эҳтиёт бўлинглар, уларнинг қабиҳ қилмишларидан ҳазар қилинглар. Уларнинг ҳатто кийими ҳам сизлар учун ҳаром ва жирканчлидир.

### Сўнгги дуо

<sup>24</sup> Имондан қайтиб кетишдан сизларни фақатгина Худо асрай олади. У сизларни беғубор ва шод-хуррам қилиб, Ўзининг улуғвор ҳузурига олиб киришга қодир. <sup>25</sup> Бизни Исо Масих орқали қутқарган яккаю ягона нажоткоримиз Худога\* ҳамдлар бўлсин! Азалдан, ҳозир ва то абад салобатли, куч-қудратли, салтанат Соҳиби бўлган Худога шон-шарафлар бўлсин! Омин.

## ИЗОХЛАР

**1:1** Ёқубнинг укаси мен — Яхудо — Куддусдаги жамоатнинг етакчиси бўлган Ёқубнинг ва Исонинг укаси (Марк 6:3, Ҳаворийлар 15:13, 21:18, Галатияликлар 1:18-19 га қаранг).

**1:1** ...Исо Масиҳ келишига қадар... — ёки ...Исо Масиҳ орқали....

**1:1** Отамиз Худо сизларни...Ўз меҳр-муҳаббати паноҳида омон сақлайди — юонча матндан. Баъзи юон қўлёзмаларида Отамиз Худо сизларни...муқаддас қилиб, йўз паноҳида омон сақлайди.

**1:4** Хўжайинимиз — юонча матндан. Баъзи юон қўлёзмаларида Эгамиз Худо.

**1:4** азалданоқ ёзилган — шу бобнинг 5-16-оятларида Яхудо бетавфиқларнинг қандай жазоланиши ҳақида мисоллар келтирган.

**1:5** ...ишонмаган одамларни ҳалок қилган эди — Саҳрода 14:26-38 га қаранг.

**1:6** ўз мавқеига яраша иш туттмай, маконини ташлаб кетган фаришталар — қилмишлари учун жазоланган илоҳий зотларга ишора бўлиши мумкин, бу зотлар ҳақида Ибтидо 6:1-4 да ёзилган. Яна 1 Бутрус 3:19-20, 2 Бутрус 2:4 га қаранг.

**1:7** Садўм ва Гамўра шаҳарлари — аҳолисининг ўта бузуқлиги оқибатида Эгамиз вайрон қилган иккита шаҳар (Ибтидо 18:16-19:28 га қаранг).

**1:8** ...самовий мавжудотларни ҳақорат қиляптилар — уларнинг мағрурлигини ва такаббурлигини намоён қиласидиган хулқ-атворлари. Яна 2 Бутрус 2:10-11 га қаранг.

**1:9** ...Микойил иблис билан Мусонинг жасади борасида баҳслашганди — Яхудо бу ўринда яхудийларга яхши маълум бўлган афсонани назарда тутган. Бу афсона яхудийларнинг “Мусонинг жаннатга кўтарилиши” деб номланган қадимги китобидан олинган.

**1:11** Қобил — Ибтидо 4:3-8 га қаранг. Бу оятда айтиб ўтилган одамлар ахлоқи бузуқ бўлиб, бошқаларни ҳам гуноҳга етаклагани билан танилган.

**1:11** Балом — Мўаб ва Мидиён халқлари билан қилган ҳамкорлиги учун Исройл халқининг душмани ҳисобланган эди (Саҳрода 25:1-5, 16-18, 31:16, Ёшуа 13:22, 24:9-10, Ваҳий 2:14 га қаранг).

**1:11** Кўрах — Саҳрода 16:1-35 га қаранг.

**1:12** Бу одамлар жамоатингизни ҳам ҳалокатга йўлиқтирадилар — Яхудо бу ўринда денгиз сувининг остидаги кўзга кўринмайдиган қоятошларни билдирадиган юонча сўзни ишлатган. Кемалар ўша қоятошларга урилиб, ҳалокатга учраг эди. Бу тимсол жамоатни ҳалокатга йўлиқтирадиган одамларга роса мос келарди. Баъзи олимларнинг тахмини бўйича эса бу юонча сўз кийим-кечакдаги доғни англатади. Шунинг учун уларнинг назарида юқоридаги гапни *Бу одамлар жамоатингизга доғ туширади* деб таржима қилса ҳам бўлади.

**1:13** Улар денгизнинг ваҳший тўлқинлари каби жўшуради... — Ишаё 57:20-21 га қаранг.

**1:13** адашган юлдузлар — ёвузликка юз тутган фаришталарга рамзий маънода ишора қилинган бўлиши мумкин.

**1:14** еттинчи — баркамоллик тимсоли, Ханўхнинг сўзлари ҳақиқат эканлигига урғу бериш мақсадида ишлатилган бўлиши мумкин.

**1:14** *Ханўх* — шарқ ёзма адабиётида Идрис пайғамбар деб эътироф этилган. Ибтидо 5:18-24 га қаранг.

**1:14** ...*Ханўх бу одамлар ҳақида шундай башорат қилган...* — мазкур оятдаги башорат сўзлари яхудийлар орасида кенг тарқалган “Ханўхнинг китоби”дан олинган. Мазкур китобдаги ҳикоялар яхудийларга ҳам, масиҳийларга ҳам маълум бўлган.

**1:17** *айтган башоратлар* — мисол учун, Ҳаворийлар 20:29, 2 Бутрус 2:1-3, 1 Тимўтий 4:1, 2 Тимўтий 3:1-5 га қаранг.

**1:22** *Иккиланувчи биродарларингизга раҳмдил бўлиб...* — юонча матндан. Баъзи юон қўлёзмаларида *Мулоҳаза билан баъзи биродарларингизга раҳмдил бўлиб....*

**1:23** ...*қайтмаганларга эса ачининглар* — юонча матндан. Баъзи юон қўлёзмаларида *қайтмаганларни эса фош қилинглар*.

**1:25** *нажоткоримиз Худо* — юонча матндан. Баъзи юон қўлёзмаларида *донишманд нажоткоримиз Худо*.